



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SAMARQAND VILOYATI HOKIMINING QARORI

Samarqand sh., Ko'ksaroy maydoni, 1-uy.

20 21-yil 09 - mart

40 – К -son

Samarqand sh.

Қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини тўхташ жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаш бўйича кўрсатиладиган хизматлар учун тўловларнинг чекланган миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги “Қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини тўхташ жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 149-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 1 мартдаги 06/04-15-03-32/493 сонли хатига асосан:

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Қуйидагилар:

Қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини сақлаш хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар танловини ўтказиш бўйича вилоят комиссиясининг янги таркиби 1-иловага;

Қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини тўхташ жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаш бўйича кўрсатиладиган хизматлар учун тўловларнинг чекланган миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (А.Шукуров)га ҳар йили 1-сентябрга қадар транспорт воситаларини олиб келиш (ташиш) ва сақлаш бўйича кўрсатиладиган хизматлар учун тўловларнинг чекланган миқдорларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқланишини таъминласин.

3. Вилоят комиссияси (А.Шукуров):

ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 149-сонли қарори билан тасдиқланган “Қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини сақлаш хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар танловини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом талабларига қатъий риоя қилган ҳолда олиб борилишини;

қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини сақлаш хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар танловини қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ўтказиб борилишини;

танловларни очиклик ва шаффофлик асосида ўтказилишини таъминласин.

4. Марказий банкнинг вилоят бош бошқармаси (О.Тўхтаев), вилоят Давлат солиқ бошқармаси (А.Инағомов) транспорт воситаларини сақлаш хизматларини кўрсатиш билан шуғулланувчи юридик шахсларни тўлов терминали ва назорат касса машиналари билан тўлиқ таъминлаш чораларини кўрсин.

5. Вилоят Давлат солиқ бошқармаси (А.Инағомов)га транспорт воситаларини сақлаш хизматлари кўрсатиш билан шуғулланувчи юридик шахслардан солиқларни қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда ўз вақтида ундирилишини таъминласин.

6. Вилоят ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси (Ф.Шайзаков) вилоят ҳудудида жойлашган жарима майдончаларига қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун олиб келинган транспорт воситаларини онлайн мониторинг қилиш тизимини жорий қилиш топширилсин.

7. Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати-матбуот котиби (М.Мирзаев), мазкур қарорни “Зарафшон” ва “Самаркандский вестник” газеталарида расман эълон қилинишини ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласин.

8. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Шукуров зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Э.Турдимов



Вилоят ҳокимининг
2021 йил “09” мартдаги
40-19 - сонли қарорига
1-илова

**Қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини
сақлаш хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар танловини ўтказиш
КОМИССИЯСИ ТАРКИБИ**

1. А.Шукуров - Вилоят ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари, *комиссия раиси*
2. Б.Мирзаев - вилоят Молия бош бошқармаси бошлиғи, *комиссия раисининг ўринбосари*
3. А.Инағамов - Самарқанд вилояти Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи
4. Л.Хамидов - Вилоят Қурилиш бош бошқармаси бошлиғи
5. А.Бекқулов - Вилоят Монополияга қарши курашиш бошқармаси бошлиғи
6. Ш.Қудратов - Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи
7. Ф.Шайзаков - Вилоят ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи

Изоҳ: Танлов комиссияси раиси йигилишларда узрли сабабларга кўра иштирок эта олмаганида, унинг вазифаларини комиссияси раисининг ўринбосари бажаради.

Танлов комиссияси аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга янгидан тайинланган шахс ёки тегишли функцияларни бажариши зиммасига юклатилган шахс киритилади.

Зарурат туғилганда, танлов комиссиясига бошқа манфаатдор идоралар вакиллари жалб қилиниши мумкин.

Ижрочи: О.Язданов 

Вилоят ҳокимлиги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари гуруҳи бош мутахассиси



Қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини тўхташ жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаш бўйича кўрсатиладиган хизматлар учун тўловларнинг чекланган миқдорлари

Т/р	Хизмат тури	Ўлчов бирлиги	Кўрсатиладиган хизматлар учун тўловларнинг чекланган миқдорлари (бир ўлчов бирлиги учун-ҚҚС билан) (сўмда)
1.	Енгил автомобилларни сақлаб туриш хизмати	1 дона Соат	650
2.	Юк автомобилларни сақлаб туриш хизмати	1 дона Соат	1500
3.	Транспорт воситаларини тўхташ жойларига олиб келиш (ташиш) бўйича кўрсатиладиган хизмат (эвакуатор хизмати) учун	6 км.гача	43 450
		6 км-10 км. гача	80 000

Изоҳ: *Хизматлар учун тўловларнинг чекланган миқдорлари, вилоят комиссияси томонидан танлов таклифларини кўриб чиқишда талабгорларнинг таклифларини баҳолаш учун чекланган миқдор даражаси бўлиб ҳисобланади.*

Ижрочи: О.Язданов 

Вилоят ҳокимлиги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти, харбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари гуруҳи бош мутахассиси